



№ 319

## BUYRUQ

"16" 11 2020

**Қонунбузилишлар тўғрисида хабар бериш  
бўйича тартибни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2020 йил 4-сентябрдаги 02-2488-сон топшириғининг 3-илоvasи билан тасдиқланган “Қурилиш вазирлиги тизимида яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”нинг 3.4-бандида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида

### Б У Ю Р А М А Н :

1. Қонунбузилишлар тўғрисида хабар бериш бўйича тартиб иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Қурилиш вазирлиги марказий аппаратининг барча бошқарма ва бўлим бошлиқлари ҳамда таркибдаги барча муассаса ва ташкилотлар:  
мазкур буйруқ билан тасдиқланган Қонунбузилишлар тўғрисида хабар бериш бўйича тартиб талабларига қатъий амал қилсин.
3. Қурилиш вазирлиги марказий аппаратада коррупцияга қарши курашиш бўлими (комплаенс назорат), Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари ҳамда вазирлик тузилмасидаги муассаса ва ташкилотларда комплаенс назорат вазифалари юклатилган шахслар ушбу тартиб ижросини таъминласин.
4. Вазирлик девонхонаси (Г.Отабоева) ушбу буйруқни вазирликнинг барча таркибий бўлинмаларига етказсин.
5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

Б.Закиров

## Қонунбузилишлар тўғрисида хабар бериш бўйича тартиб

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тизими ходимининг уни коррупция жиноятларини содир этишга ундаш (далолат қилиш) ҳамда ходимга маълум бўлган коррупцион ҳолатлар ҳақида Комплаенс назорат хизматини ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қилиш тартибини белгилайди.

**Қурилиш вазирлиги тизими ходими** (кейинги ўринларда – ходим) деганда Вазирлик марказий аппарати, вазирлик тузилмасига кирувчи, марказлар, “Шаҳарсозлик экспертизаси” ДУК ва унинг филиаллари, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва ҳудудий инспекциялар, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари, ҳудудий танлов савдолари марказлари, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, архитектура-қурилиш ихтисослиги бўйича техникумлар, архитектура-қурилиш ихтисослигидаги коллежлар ҳамда “Ўзбекистон бунёдкори” нашриёт уйи ва “Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши” журналида тасдиқланган штатлар жадвалига асосан меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимлар тушунилади.

2. Ходим уни коррупция жиноятларини содир этишга ундаш (далолат қилиш) ҳамда ходимга маълум бўлган коррупцион ҳолатлар ҳақида Комплаенс назорат хизматини ёзма равишда хабардор қилади.

3. Хабарнома ҳар бир коррупция жиноятларини содир этишга ундаш (далолат қилиш) ҳамда ходимга маълум бўлган коррупцион ҳолатлар бўйича берилади ва қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

хабарнома бераётган ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, эгаллаб турган лавозими;

коррупция жиноятларини содир этишга ундаётган (далолат қилаётган) жисмоний (юримдик) шахс ҳақидаги ва содир этилаётган коррупцион ҳолатлар бўйича ходимга маълум бўлган маълумотлар;

ходим томонидан бажарилиши лозим бўлган ҳуқуқбузарлик ёки коррупцион жиноят ва бу учун таклиф этилаётган хизмат ёки моддий рағбатлантириш тури, ҳамда келишилган содир этилиш жойи;

хабарноманинг тўлдирилган вақти ва санаси;

хабарномани тўлдирган ходимнинг имзоси.

4. Хабарномаларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш, хабарнома юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш хабарномалар билан ишлашга рухсат этилган таркибий бўлинма — Комплаенс назорат бўлими томонидан амалга оширилади.

Вазирликнинг ҳудудий бош бошқармалари ва тузилмасидаги муассаса ва ташкилотларида хабарномаларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш, хабарнома юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш комплаенс назорат вазифалари юклатилган ходим томонидан амалга оширилади.

5. Хабарнома Комплаенс назорат хизмати ходимига шахсан ёки мавжуд бўлган алоқа воситалари орқали берилади.

6. Агар давлат хизматчиси расмий вазифаларни бажаришда ёки иш жойидан ташқарида бўлса, у иш берувчининг вакилини мавжуд бўлган алоқа воситаларидан фойдаланиб хабардор қилиши ва иш жойига келгач, ёзма равишда шахсан тегишли хабарномани тақдим этиши керак.

7. Хабарномалар Комплаенс назорат бўлими томонидан махсус журналда рўйхатга олинади.

8. Журнал варақлари рақамланган, боғланган ва Қурилиш вазири томонидан тасдиқланиб муҳрланган бўлиши керак.

9. Журнал ваколати бўлмаган шахслар томонидан унга киришни истисно қиладиган шароитларда, хабарномалар билан ишлашга ваколатли таркибий бўлинмада сакланиши шарт.

10. Комплаенс назорат хизматида журнални юритиш учун масъул бўлган ходим тайинланади.

11. Журналда рўйхатга олинган хабарнома рўйхатга олингандан сўнг дарҳол вазирлик раҳбариятига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

12. Рўйхатга олинган хабарноманинг нусхаси масъул шахс томонидан хабарнома рўйхатга олингандан сўнг икки кун ичида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.



13. Вазирлик раҳбарияти хабарнома олинган иш кунидан кечиктирмай хабарномада кўрсатилган маълумотларни текшириш тўғрисида қарор қабул қилади. Вазирлик раҳбариятининг қарори ёзма равишда қабул қилинади.

14. Хабарномалар билан ишлашга ваколатли таркибий бўлинма хабарномани юборган ходимга вазирлик раҳбариятининг тегишли қарорини олгандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай текширув бошланиши ҳақида ёзма равишда хабар беради.

15. Текширув вазирлик раҳбариятининг текширув ўтказиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун ичида амалга оширилади. Зарур ҳолларда ва асослар мавжуд бўлса, текшириш муддати вазирлик раҳбарияти томонидан яна 30 кунга узайтирилиши мумкин.

16. Вазирлик раҳбариятининг қарори билан текширишни ўтказишда давлат органининг бошқа таркибий бўлинмалари жалб этилиши мумкин.

17. Текшириш натижаларидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган ходим текширишда иштирок этишига йўл қўйилмайди. Бундай ҳолларда ходим ушбу текширишда иштирок этишдан озод қилиш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиши лозим.

18. Текшириш давомида хабарномада кўрсатилган ҳолатлар, сабаб ва шароитлар тўлиқ, холисона ва ҳар томонлама ўрганилиши лозим.

19. Текшириш яқунлари бўйича ёзма хулоса расмийлаштирилади ва унда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

тақдим этилган маълумотларни текшириш натижалари;

хабарномада кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ёки рад этувчи маълумотлар;

текшириш давомида аниқланган коррупцион ҳолатларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чора-тадбирлар;

ходимни жавобгарликка тортишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар ҳамда текшириш материалларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш зарурлиги (зарур бўлмаса) тўғрисидаги тавсиялар.

20. Хабарнома юборган ходим текширув хулосаси билан таништирилади.

21. Текшириш хулосаси илова қилинган ҳужжатлар билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш зарурати (ёки зарурати йўқлиги) тўғрисида қарор қабул қилиш учун вазирлик раҳбариятига тақдим этилади.

22. Тўпланган ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш зарурияти (ёки зарурати йўқлиги) тўғрисидаги қарор вазирлик раҳбарияти томонидан текшириш натижалари келиб тушгандан кейинги иш кунидан кечиктирмай қабул қилинади.

23. Комплаенс назорат хизмати текшириш хулосаси ва унинг яқунлари бўйича қабул қилинган қарор ҳақида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ни хабардор қилади.

24. Хабарномада кўрсатилган маълумотлар, шунингдек, текшириш натижалари ҳақидаги маълумотлар ошкор этилмайди, сир сақланади.

25. Хабарнома, текшириш хулосаси ва тўпланган ҳужжатлар текшириш тугаган кундан бошлаб уч йил давомида Комплаенс назорат хизматида сақланади ва тегишли архивга топширилади. Текшириш натижаларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жўнатишда сақлаш ва архивга топширишда ҳужжатларнинг тегишлича тасдиқланган нусхалари бўлиши лозим.

26. Хабарнома берган ходим текширув натижаларига кўра, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашдаги фаол иштироки учун вазир буйруғига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 (йигирма беш) баравари миқдорида моддий рағбатлантирилади.

### Қонунбузилишлар тўғрисида хабар бериш схемаси

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	ходим	Коррупция жиноятларини содир этишга ундаш (далолат қилиш) ҳамда ходимга маълум бўлган коррупцион ҳолатлар ҳақида Комплаенс назорат хизматини ёзма равишда хабардор қилиш ва хабарнома нусхасини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш	Ҳолат юз бериши билан дарҳол
2-босқич	Комплаенс назорат хизмати	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Хабарномани тегишли журналда рўйхатга олиш.</li> <li>2. Вазирлик раҳбариятини хабардор қилиш</li> <li>3. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қилиш</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Бир соат мобайнида.</li> <li>2. Уч соат мобайнида</li> <li>3. Икки кун ичида</li> </ol>
3-босқич	Вазирлик раҳбарияти	Хабарнома юзасидан текшириш ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш	Бир кун ичида
4-босқич	Комплаенс назорат хизмати	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Раҳбарият қарорига асосан хабарномадаги ҳолатлар юзасидан текшириш ўтказиш</li> <li>2. Текшириш хулосаси тайёрлаш ва илова қилинган ҳужжатлар билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш зарурати (ёки зарурати йўқлиги) тўғрисида қарор қабул қилиш учун вазирлик раҳбариятига тақдим этиш.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. 30 кун ичида (зарурат бўлганда яна 30 кунга узайтирилиши мумкин)</li> <li>2. Текшириш якунланган куни</li> </ol>
5-босқич	Вазирлик раҳбарияти	Тўпланган ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш зарурияти (ёки зарурати йўқлиги) тўғрисида қарор қабул қилиш.	текшириш натижалари келиб тушгандан кейинги иш кунидан кечиктирмай
6-босқич	Комплаенс назорат хизмати	текшириш хулосаси ва унинг якунлари бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қилиш.	қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида